*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

13 сентябрь, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 188 (1440)

*Акс-садо*

## КАМАРБАСТАМИЗ

Юртимиз мустақилликни қўлга киритгандан буён ўтган беш йил давомида барча жабҳаларда бўлганидек халқ таълими соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилиб, зиёлиларимизни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш юзасидан қатор чоралар кўрилмоқда. Мана шундай савобли ишлардан бири куни кеча матбуотда Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўлди.

Мазкур Фармонда 1997 йилдан бошлаб 1 октябрни «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилиниши барча халқ таълими ходимлари қаторида бизни ҳам қувонтирди. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда халқ таълими ходимлари куни алоҳида байрам ва дам олиш куни сифатида нишонланмайди. Бу Фармон бизнинг қадримиз ва обрўйимизни кўтариш йўлида олиб борилаётган ишлардан биридир.

Биз ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва мустаҳкам билим бериш, Ватан истиқлоли ва истиқболи ривожига ҳисса қўшиш учун ҳамиша камарбастамиз.

**Тошкент вилоятининг бир гуруҳ халқ таълими ходимлари, ўқитувчи ва мураббийлари.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ 1996/97 ЙИЛ КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

Республика халқ хўжалигини 1996/97 йилнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин ва амалий чора-тадбирлар кўриш учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, концернлар, ташкилотларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, айниқса, Андижон, Жиззах, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ўзларига қарашли объектларни куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларининг етарли эмаслиги қайд этиб ўтилсин.

3. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, концернлар, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари:

тегишли тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни қиш шароитларида ишлашга тайёрлашнинг боришини танқидий таҳлил қилсинлар, ишлаб чиқилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар, бунда ташкилий масалаларни ҳал этишга, объектларни моддий-техника ва молия ресурслари билан таъминлашга алоҳида эътибор берсинлар;

жорий йилнинг 1 октябрига қадар тасарруфларидаги буғ қозонхоналарни, иссиқлик, газ, сув ўтказиш ва канализация тармоқларини, элеватор узелларини, турар жойларни, транспорт воситаларини қишга тайёрлашни тугалласинлар. Зарур миқдорда ёқилғи, кимёвий реагентлар, туз, авариялар учун зарур бўладиган моддий-техника ресурслари захираларининг, шунингдек, авария хизматлари ишлаши учун барча зарур воситаларнинг ҳозирлаб қўйилишини таъминласинлар;

жорий йилнинг 15 октябрига қадар барча корхоналар ва ташкилотларда суюқ ва қаттиқ ёқилғи, шу жумладан, иссиқлик электр станцияларининг 1997 йил май ойигача бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги корхоналарида шу йилнинг 1 октябригача — 1 миллион тонна мазут ва 1 миллион тонна кўмир захираларини яратсинлар;

ёнғинга қарши курашиш идоралари билан биргаликда жорий йилнинг сентябрь ойида турар жойлар, бинолар ва иншоотлар ҳолатининг техник талаблар нормаларига мувофиқлигини текширишни ниҳоясига етказсинлар;

1996 йилда барча саноат корхоналарини, коммунал-маиший ва халқ хўжалиги тармоқларининг бошқа муассасаларини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашни тугалласинлар, уларни бундай асбоблар бўлмаган ҳолларда газ истеъмолчилари (аҳоли бундан мустасно) газ таъминоти тизимидан узиб қўйилиши тўғрисида огоҳлантирсинлар;

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан етказиб берилган ёқилғи-энергетика ресурслари учун қарзларни тўлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

4. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) жорий йилнинг 15 октябрига қадар республика корхоналари ва ташкилотларига суюқ ёқилғини, уни талаб қилинган миқдорда тўплаш мақсадида, белгиланган тартибда етказиб беришни таъминласин.

5. «Кўмир» акционерлик бирлашмаси (Лелеко) республиканинг барча истеъмолчилари учун кўмирнинг зарур захираларини яратиш мақсадида уни аҳолига ва халқ хўжалигига узлуксиз етказиб беришни таъминласин.

6. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги (Отаев):

жорий йилнинг 1 октябрига қадар энергетика асбоб-ускуналарини тузатишни ниҳоясига етказсин;

жорий йилнинг сентябрь ойида Сирдарё ГРЭСида 20 минг куб метр, Толлимаржон ГРЭСида 40 минг куб метр мазут сиғадиган қўшимча захира жойларни фойдаланишга топширилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июлдаги 4-сон ва 1996 йил 19 августдаги 17-15-153-сон протокол қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган барча электр станциялари ва бошқа энергетика объектлари бўйича ишончлиликни ва ёнғинга қарши хавфсизликни оширишга оид тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласин;

шу йилнинг 1 ноябригача 7-им асбоб-ускуналарини мукаммал тузатишни тугалласин, 5-имдаги деаэраторларни реконструкциялашни амалга оширсин, шу йилнинг 1 декабригача 2-им ва 4-имда қўшимча буғ қозонхоналар ўрнатсин ҳамда ишга туширсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда шаҳарни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 2000 йилгача бўлган даврлар бўйича Тошкент шаҳри иссиқлик манбаларини ривожлантиришга доир аниқ таклифларни, шунингдек, коммунал тармоқларда иссиқлик манбалари нобудгарчилигини нормативдаги даражагача қисқартириш тадбирларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси (Зайнутдинов, Жулин):

жорий йилнинг 1 октябрига қадар 3,5 миллиард куб метр газни ер ости омборларига жойлашни таъминласинлар, бунда асосий эътиборни куз-қиш даврида Фарғона водийси ва Сурхондарё вилояти истеъмолчиларини табиий газ билан таъминлашга қаратсинлар, етказиб бериладиган газ сифатининг ёмонлашишига йўл қўймасин;

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва бошқа газ истеъмолчилари билан биргаликда шу йилнинг 1 октябрига қадар электр станцияларини ва халқ хўжалигининг бошқа корхоналарини 1996/97 йил қишининг қаттиқ совуқ кунларида табиий газдан ёқилғининг захира турларига ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқсин ва уни Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тасдиқласин;

шу йилнинг сентябрида Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг улар тасарруфидаги корхоналарни куз-қиш даврида табиий газ билан таъминлаш юзасидан таклифларини кўриб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

8. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) шу йилнинг сентябрь ойида локоматив, вагон ҳамда ўзига қарашли бошқа хўжаликларни тузатишни ва куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашни тугалласин ҳамда йўловчиларни, нефт, газ конденсати, нефт маҳсулотлари, кўмир, туз ва куз-қиш даврига тайёрланиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа халқ хўжалиги юкларини узлуксиз ташишни таъминласин.

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар вагонлар ва цестерналарнинг туриб қолишини анча камайтириш, ортиш-тушириш ишларининг, айниқса, тунги вақтларда, дам олиш ва байрам кунларида бир маромда бўлишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрсинлар. Шу йилнинг 1 октябригача идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларини қиш шароитларида ишлашга тайёрлашга оид чора-тадбирлар кўрсинлар.

9. «Ўзавтотранс» корпорацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар йўловчи ташиш транспортининг ва умуман автотранспортнинг куз-қиш даврида ишлашга тайёрлигини кўриб чиқсинлар. Транспорт корхоналарини ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, моддий ресурслар билан таъминлаш ва транспортни куз-қиш даврида узлуксиз ишлашга тайёрлашни шу йилнинг 1 октябрига қадар тугаллаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Жуманиёзов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси (Носиров), қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Усмонов) агросаноат мажмуи объектларини қиш шароитларида ишлашга тайёрлашга оид тузатиш-профилактика ишларини тезлаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни шу йилнинг 1 октябрига қадар кўрсинлар, бунда чорвачилик, озуқа тайёрлаш объектларига, иситиш тизимларига, суюқ ва қаттиқ ёқилғи тўплашга алоҳида эътибор берсинлар.

11. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» концерни, кон-металлургия саноати корхоналари ва кўп энергия талаб қиладиган бошқа корхоналар электр ва иситиш энергияси сарфлашни камайтириш мақсадида Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган уларга талаб кўпайган даврда мақбул иш тартибларининг тезкорлик билан бажарилишини таъминласинлар.

12. Халқ таълими вазирлиги (Йўлдошев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Каримов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Салимов) шу йилнинг 1 октябрига қадар халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасаларини, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашни таъминласинлар.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўлаганов):

Жорий йилнинг 1 октябрига қадар турар жойларга ва бошқа объектларга иссиқлик ва сув бир маромда берилишини таъминлаш учун иссиқлик тармоқлари, буғ қозонлар ва бошқа энергетика хўжаликларини жорий ва мукаммал тузатишни ниҳоясига етказишишини таъминласин, шунингдек, турар жойларнинг ертўлаларидаги сувларни қуритиш юзасидан чора-тадбирлар кўрсин;

вазирликлар ва идораларни ўз маблағлари ва моддий ресурслари ҳисобига муҳандислик коммуникацияларини ҳамда авария ҳолатидаги турар жойларнинг томларини мукаммал тузатишга жалб этиш бўйича таклифларни бир ҳафта муддатда тайёрласин.

14. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги капитал қўйилмаларнинг амалда ўзлаштирилишини ва қурилиш қиймати қимматлашишидан вужудга келган индексларни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига Даҳбет — Самарқанд асосий сув йўлини ва Самарқанд, Наманган, Андижон вилоятининг Асака, Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида буғ қозонхоналарни қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, Амударё — Зарафшон сув йўли қурилишини тугаллаш учун бюджет маблағларидан ажратиладиган лимитни аниқлаш юзасидан таклифларни бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

15. Оммавий ахборот воситалари халқ хўжалигини бўлажак куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мунтазам ёритиб борсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, концернлар, ташкилотлар мазкур қарорнинг бажарилиши тўғрисида жорий йилнинг 15 октябригача Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамаси мажмуиларининг раҳбарлари ўз тасарруфларидаги тармоқларнинг куз-қиш даврида ишлашга қандай тайёргарлик кўраётганликларини ҳар ўн кунда таҳлил қилсинлар ва зарур бўлганда тегишли чора-тадбирлар кўрсинлар.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш фаолият йўналишларига кўра Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 12 сентябрь.

# КЕНГАШ-СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Инсон қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари барча демократик жамиятларда ҳамма вақт олий қадрият ҳисобланиб келинган. Ер юзидаги кўплаб давлатларда ушбу қадриятнинг кенг эътироф этилиши нафақат мазкур мамлакатлар, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳам улкан ютуғига айланди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири экани бежиз эмас. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида айнан шу масалага алоҳида тўхталган эди.***

Аввал хабар берганимиздек, ЕХҲТнинг Тошкентда ўтаётган «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» кенгаш-семинари ушбу мавзудаги барча масалаларни кенг қамраб олди.

Анжуманнинг иккинчи куни Марказий ва Шарқий Европа омбудсмен муассасалари (инсон ҳуқуқларига риоя этиш мониторинги) тажрибаси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасаларнинг амалдаги фаолияти мавзуларига бағишланди.

Дания, Полша, АҚШ, Голландия, Швеция ҳамда Россия вакиллари ўз мамлакатларидаги омбудсмен фаолияти, унинг вазифалари, ҳуқуқлари ва тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Шуни қайд этиш лозимки, омбудсмен шведча сўз бўлиб, илк бор ўтган асрнинг бошида Швецияда, мамлакат парламенти томонидан қўлланган. Бугунги кунда дунёнинг 70 мамлакатида омбудсмен тизими мавжуд.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича мухтор вакиласи Сайёра Рашидова Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент комиссиясининг фаолияти, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Маърузалар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

Кенгаш-семинар давом этмоқда.

**ЎзА мухбири анжуман қатнашчиларининг баъзилари билан учрашиб, мазкур кенгаш-семинарнинг мақсадлари ва аҳамияти, ҳақида суҳбатлашди.**

**Ядцек ПОЛИШЕВСКИ, ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директорининг маслаҳатчиси, кенгаш-семинар раиси:**

— Тошкентда ўтаётган ушбу кенгаш-семинар ЕХҲТнинг Марказий Осиё минтақасидаги турқум тадбирларидан биридир. Бу тадбирлардан аввало, икки мақсад кўзланган — минтақа давлатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг ЕХҲТга аъзо бошқа мамлакатларнинг шу хил муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш. Иккинчиси, бу борадаги мавжуд жаҳон ва Европа давлатлари тажрибасини таққослаб кўриш имконини яратиш. Албатта, бу бирданига амалга ошириладиган иш бўлмай, маълум бир вақтни талаб қиладиган жараёндир.

Биз бугун омбудсмен муассасалари, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссарлик, миллий муассасалар, парламент комиссиялари фаолиятини ҳамда оммавий ахборот воситалари, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва халқ маорифининг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишдаги ўрнини муҳокама этяпмиз. Шубҳа йўқки, бу ерда айтилаётган фикр ва мулоҳазалар, тажриба алмашиш беҳуда кетмайди.

Ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш тарихи, миллий анъаналари ҳамда минг йиллар давомида тўплаган тажрибасига эга. Шу боис, Европа тажрибаси бу ерда тўла қўл келади, деб ҳам бўлмайди. Ҳар бир давлат демократия қурилишида ўз миллий нуқтаи-назаридан келиб чиқади.

Анжуманнинг ютуғи шундаки, унда ҳукумат делегацияси аъзолари билан бир қаторда жуда кўплаб жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этмоқда. Уларнинг баъзилари танқидий фикрлар ҳам айтмоқдалар, норозиликларини изҳор этаётир. Бироқ ҳеч ким конституциявий тартибни бузиш, яъни, бузғунчилик позициясига ўтиб олгани йўқ. Аксинча, ҳукумат сиёсатига танқидий муносабат билдираётганлар ҳам ўз чиқишларида мамлакат раҳбарияти эришган ютуқларни очиқ тан олмоқда.

**Клавдио КАЛДАРОН, БМТ делегацияси аъзоси, БМТ Тараққиёт дастури раисининг ўринбосари:**

— Аввало, мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишни назорат қилувчи мониторинг ва демократик муассасалар фаолиятини кучайтириш борасида сўзлаган нутқи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўйлайманки, бу ҳуқуқий давлат қуриш йўлида яна бир олға ташланган қадамдир.

Бизнинг ташкилотимиз демократик муассасаларни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу кенгаш-семинар якунида биз ўз тавсия ҳамда маслаҳатларимизни берамиз. Бундан ташқари, бу анжуманни инсон ҳуқуқлари ва миллий муассасалар борасидаги ҳамкорлигимизнинг биринчи амалий маҳсули, дейиш мумкин.

**(ЎзА).**

# ҒОЛИБГА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ТОПШИРИЛДИ

Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган миллий кураш бўйича иккинчи халқаро турнир якунланди. Мусобақанинг иккинчи куни, айниқса, ҳаяжонли ва завқли дақиқаларга бой бўлди. Қизғин кураш остида ўтган беллашувда мутлақ ғолиблар маълум бўлди. Қашқадарёлик Баҳром полвон Авазов биринчи ўринни эгаллади. Унга Ўзбекистон Президентининг соврини — «Нексия» автомашинаси ва зотли от топширилди. Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг соврини — «Тико» автомашинаси қашқадарёлик Маҳмадўст Тошевга насиб этди. Учинчи ўринни эса сурхондарёлик Эрали полвон ва грузиялик полвон Гаматашвили қўлга киритди. Уларга Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси ҳамда республика Физкультура ва спорт қўмитасининг махсус совғалари топширилди.

Мукофотларни топшириш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов қатнашди.

**(ЎзА).**

# ИШ ЯКУНИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Сирдарё вилоят ҳокимлигида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.

Унда вилоят шаҳарлари ҳокимлари, бошқармалар, ташкилотлар, саноат корхоналари раҳбарлари, шунингдек, бир қанча республика вазирликлари, корпорация ва концернларининг раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов бошқарди.

Сўзга чиққанлар вилоятда саноат ва халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш саккиз ойлик иш якунларини таҳлил этдилар. Бу борада муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, эътиборни йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратдилар.

Жумладан, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,5 фоизни ташкил этди. Соҳадаги 53 та саноат корхонасидан ўн тўрттасида ўсиш суръати пасайишига йўл қўйилди. Бу камчиликларга кўп жиҳатдан мутасадди раҳбарларда ташаббус ва ташкилотчилик етишмаётгани сабаб бўлди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов қатнашди.

**(ЎзА).**

## МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК РЕЖА МАЪҚУЛЛАНДИ

***Президент Клинтон бутун дунёда терроризмга қарши курашга оид миллиард долларлик режани маъқуллади.***

Ушбу режа терроризмга қарши кураш бўйича федерал агентларни кўпайтириш, миллий аэропортларни бомбаларни топиш имконини берадиган махсус юқори техник асбоблар билан таъминлаш, шубҳали юки бўлган йўловчиларни компьютер тизимлари ёрдамида кузатишни ўз ичига олади.

Баъзи танқидчилар Клинтоннинг режасини хаддан ташқари, дея баҳоламоқдалар. Бу фикр режанинг аэропорт ходимлари ва федерал агентларга шубҳали йўловчиларнинг кимлигини бир зумда аниқлашга ёрдам берадиган алоҳида нусха кўчириш тизими ҳақида сўз юритилган қисмига тааллуқлидир.

## ҚИЗИЛ ХОЧ ВАКИЛЛАРИНИНГ КИРДИКОРИ

***АҚШнинг тергов олиб бораётган сенат комиссияси немис жосуслари иккинчи жаҳон уруши чоғида, ҳатто, Қизил хоч вакилларини ҳам ёллаб, маълум мақсадларда фойдаланганларига исбот топди.***

Женевада жойлашган Халқаро Қизил хоч қўмитаси ушбу расмий маълумотда қатъий исботлар кўп эмаслигини баён этди. Бироқ Қизил хоч уруш даврида ҳақиқатан ҳам 10 киши жабрланганларга ёрдам кўрсатиш агентлигига хизмат қилганлигини тасдиқлади.

## МЕКСИКА ИСЁНЧИЛАРИ ЗЎРАВОНЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

***Ўтган ҳафтада ўзларининг қонли хуружлари билан Мехикони ҳайратга солган исёнчилар тўдаси таҳмин қилишларича, камбағал ва энг нотинч туманларда 1960 йилларидан бери фаоллик кўрсатиб келаётган инқилобий ташкилот билан боғлиқдир.***

Мексиканинг 32 та штатидан 5 тасида хужум уюштирган Халқ инқилобий армияси (ХИА) кейинги йилларда содир этилган ҳар хил зўравонлик хуружлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олган номаълум тўдаларнинг «харбийлашган қўли»дир.

## 98 ЁШИДА ВАФОТ ЭТДИ

***Бенедектин монахи Адам роҳибликдан кўра асаларичиликда кўпроқ донг таратган эди.***

Дунёдаги етакчи мутахассислардан бири бўлган бу асаларичи Бенедектин манастири яқинидаги шаҳсий шифоҳонасида икки аср юзини кўришга икки йилгина қолганда оламдан кўз юмди.

Адам яратган Бэкфаст суперасаларилар бутун асаларичилик тарихида энг йирик ва энг серасал ҳисобланади.

## БОТУЛИЗМГА ЧАЛИНГАН... ПИШЛОҚ

***АҚШ Савдо вазирлигининг озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва пардоз-андоз воситаларининг сифатини назорат қилувчи бошқармаси америкаликларга қаймоқли пишлоқ ейишни тавсия этмади.***

Сабаби — Италияда юз берган бир ўлим ва уч ботулизм ҳодисасини шу нарса билан боғламоқдалар. Жиголио, Пармалет ва Сол ди Вол савдо маркази остида Америкага импорт қилинаётган қаймоқли пишлоқ, хатто эски бўлмасада, нохуш хид анқимасада, ботулизимни келтириб чиқарадиган бактерия билан зарарланган бўлиши мумкин.

**Рейтер ва USA хабарлари асосида тайёрланди.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 86-модда, №8, 191-модда; 1992 йил, №1, 49-модда, №4, 177-модда, №9, 337-модда; 1993 йил, №1, 20-модда, №6, 240-модда; 1994 йил, №5, 159-модда, №11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда):

1) **6-модданинг** 1-банди қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Болаларга мўлжалланган ассортиментдаги товарлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фойдага солинадиган солиқни 10 фоизли ставка бўйича тўлайдилар.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажмида болаларга мўлжалланган товарлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар камида 20 фоизни ташкил этадиган корхоналар фойдага солинадиган солиқни амалдаги ставкадан 30 фоиз камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар»;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **9-модданинг** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги $9^1$ ва $9^2$-бандлар билан тўлдирилсин:

«$9^1$) «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан шартнома тузган корхоналар, ўз ходимлари учун уй-жой сотиб олишга ишлатиладиган фойда бўйича;

$9^2$) «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Маҳаллий саноат» корпорацияси тизимларида амал қилаётган, устав фондида хорижий инвестор улуши 50 фоиздан кам бўлмаган корхоналар, агар улар солиқнинг барча суммасини халқ истеъмоли товарлари, биринчи навбатда болаларга мўлжалланган ассортиментдаги товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва кенгайтиришга реинвестиция қилса»;

3) **19-модданинг** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 41 ва 42-бандлар билан тўлдирилсин:

«41) «Тошкентуйжойжамғармабанк» томонидан жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномаларга мувофиқ уй-жой қурилишида бажарилган ишлар ҳажми;

42) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги товарлари етиштирувчиларга етказиб берилаётган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари»;

4) **35-модданинг** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги «к» банди билан тўлдирилсин:

«к) устав фондида чет эл капиталининг улуши камида 500 минг АҚШ доллари бўлган корхоналар мол-мулкига».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 88-модда, №8, 191-модда; 1992 йил, №1, 50-модда, №4, 168-модда, №9, 337-модда; 1993 йил, №1, 20-модда; 1994 йил, №1, 14-модда, №10, 254-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда) **3-моддаси** 1-бандининг «т» бандчасидаги «акциялар харид этишга» деган сўзлар «акциялар, «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг эгаси ёзилган уй-жой облигацияларини харид этишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 13-модда; 1994 йил, №11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда):

1) **1-модда** қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Акциядорлик жамиятларини тузиш, ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади»;

2) **3-моддада:**

1-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида иш юритади»;

3) II бўлим чиқариб ташлансин;

4) **18-модданинг** 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

жамиятнинг уставини ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш;

ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг фаолият юритиши тартибини тасдиқлаш;

жамият, шу жумладан, унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хулосаларини, даромадни (фойдани) тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартибини тасдиқлаш;

филиаллар ва ваколатхоналарни тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш, улар тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

жамиятни бошқариш органларининг мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

жамиятнинг тартиб-таомил қоидаларини ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жамиятнинг ташкилий тузилишини белгилаш;

устав фондини ўзгартириш;

жамиятни, унинг филиалларини ва ваколатхоналарини бошқариш органлари мансабдор шахсларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

жамият фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш;

қатнашчилар томонидан қўшимча бадаллар қўйиш миқдори, шакли ва тартибини белгилаш;

қатнашчининг улушини жамият томонидан сотиб олиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш.

Жамиятнинг уставида умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режаларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, жамият уставини, устав фондини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар жамият қатнашчиларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан, қолган масалалар юзасидан эса оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида бу қатнашчи ёки унинг вакили овоз беришда иштирок этмайди».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 22-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) **4-моддасининг** 1-банди қуйидаги мазмундаги «ю» бандчаси билан тўлдирилсин:

«ю) истеъмолчилар — ўзларининг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 325-модда; 1994 йил, №11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда) **16-моддасининг** биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвесторлар, инвестиция институтлари, шунингдек, уларнинг бирлашмалари (уюшмалари), фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат томонидан ваколат берилган органлар ва бошқалар) қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳисобланадилар».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №5, 130-модда) **28-моддасида**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўланиши хусусидаги талаблари, шунингдек, агар тугатилаётган юридик шахс фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгар бўлса, уларнинг талаблари тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қондирилади»;

бешинчи қисмидан «шунингдек, банк кредитларига доир талаблар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундириб олинаётган сумма бирорта навбатдаги талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундириб олувчига тегишли суммага мутаносиб тарзда қондирилади»;

ўн иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда; №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда):

1) **90-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«90-модда. **Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш**

Ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ заҳираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек, ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

2) **166-модда** қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек, реализация қилиш мақсадида сотиб олиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **178-модда** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«178-модда. **Монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Монополияга қарши қаратилган фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки уларга атайин нотўғри маълумотлар тақдим этиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг** биринчи қисмида «90» рақами «90-модданинг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «178» рақами эса чиқариб ташлансин;

5) **257-модданинг** биринчи қисми «(санитария-экология экспертизаси қисмида)» деган сўзлардан кейин «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **261-модданинг** биринчи қисми «89-моддаларида (атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир кўрсатиш бундан мустасно)» деган сўзлардан кейин «90-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «162-моддасида» деган сўзлардан кейин эса «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **265-модданинг** биринчи қисми «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) Кодекс қуйидаги мазмундаги **$268^1$ ва $268^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

$268^1$-модда. **Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари**

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйидагилар ҳақлидирлар:

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга.

$268^2$-модда. **Архитектура ва қурилиш органлари**

Архитектура ва қурилиш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

архитектура ва қурилиш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда):

биринчи қисмининг тавсиф қисми «ўқдориларни» деган сўзлардан кейин «шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг тавсиф қисми «психотроп моддаларни» деган сўзлардан кейин «кўп миқдорларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўсимликлар карантини тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 188-модда) **9-моддасининг** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг республикага олиб кирилаётган, республикадан олиб чиқилаётган ва транзит бўлиб ўтаётган карантиндаги материалларни текшириш ва қўздан кечириш, шунингдек, ҳужжатлар бериш билан боғлиқ харажатлари юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади».

X. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори билан тасдиқланган **Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкилотлар), шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг Рўйхати** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 182-модда; 1994 йил, №4, 109-модда, №5, 143-модда, №8-9, 244-модда, №10, 258-модда) қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш.

Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда бадиий (концерт) хизмат кўрсатиш.

Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва сотиш».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 август.

# ТЎРТ ОЙ ИЧИДА БУНЁД ЭТИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНА



***Мамлакатимизда Қибрай яхна ичимликлар комбинатининг довруғини эшитмаган киши бўлмаса керак. Яқинда ушбу корхона ҳудудида Германиянинг «Макс Ханделес ГМБХ» фирмаси билан ҳамкорликда «Макс-Хуросон ЛТД» қўшма корхонаси ишга туширилди.***



Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган ушбу қўшма корхона соатига бир ярим литрлик 2500 дона шиша яхна ичимлик ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими ушбу қўшма корхона жуда қисқа вақтда, бор-йўғи тўрт ой ичида ишга туширилди. Мазкур корхона тўлиқ автоматлаштирилгани боис бор-йўғи 14 кишидан иборат ишчи кучи талаб этади.

Корхона директори Абдувосиқ Ваҳобовнинг таъкидлашича, ҳозирданоқ Германиядан келган мутахассислар маҳаллий кадрларга янги ускуналарнинг сир-асрорларини ўргатишни йўлга қўйишди. Конвейердан пешма-пеш чиқарилаётган яхна ичимликларнинг дастлабки партияси, аввало, Тошкент шаҳрига сўнгра республикамизнинг бошқа вилоятларига жўнатилиши режалаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз аҳолисининг маълум бир қисмини яхна ва экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган сув билан таъминлаш имконини беради.

**СУРАТЛАРДА: 1. корхона директори Абдувосиқ Ваҳобов ишчи Назира Шойжонова билан биргаликда маҳсулотнинг илк нусхасини кўздан кечирмоқда. 2. Корхона муҳандиси Ў. Икромов германиялик мутахассис М. Клауз билан биргаликда янги технологиянинг ишлаш жараёни хусусида фикрлашмоқда.**

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

## *Божхона бекати*

### САВДОСИ ЮРИШМАДИ

Тоғни урса талқон қиладиган самарқандлик икки йигитнинг гапи бир жойдан чиқиб қолди. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, иккаласи ҳам хаёлида ишламай бойиб кетиш йўлини қидириб юрган экан. Тойлоқ туманилик О. исмли ва Самарқанд шаҳрилик Б. исмли йигитлар бир қароргa келишиб, нашафурушликка қўл урди. Аммо уларнинг савдоси юришмади. Бу икки йигит 1 килограмм қора дорини 130 минг сўмга пуллаётганда божхона ва ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Айни пайтда нашафурушлар тегишли жойда ўз қисматини кутиб ётибди.

### ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

Юк машинаси Самарқанд вилояти ҳудудидаги ўнқир-чўнқир йўллар билан чайқала-чайқала Тожикистон томонга кетиб борар эди. Ҳароратнинг иссиқлигидан бўлса керак, кўчада бирор жон кўринмайди. Шундай бўлса-да машина кабинасидаги А. Боймуродов ён-атрофга чумчуқдай аланглаб ўзича «қойил қилаяпман», деб мақтаниб қўярди. Бироқ Боймуродов дарахтнинг баргида эмас, шоҳида юрганини Самарқанд вилояти божхоначиларига дуч келгандагина англаб етди. Машина юкхонаси текширилганда эса етти ярим тонна гуруч, бир неча юз килодан майиз, шўрданак, ўрик қоқи ва нўхот чиқди. Айни пайтда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув олиб борилмоқда.

### ЭГРИ ЙЎЛ

Куппа-кундузи сирдарёлик Абдуқундуз Жайноқов салкам тўрт тонналик дизел ёнилғисини Тожикистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлди. Бунинг устига ёнилги давлат ташкилотидан олиниб, ширкат хўжалигига етказилиши лозим эди. Аммо Абдуқундуз бундай қилмади. Йўлда кунглига шайтон ораладими, уловнинг чамбарагини эгри йўл орқали Тожикистон томонга бурди.

Абдуқундуз ўғрилик буюрмайди, деган мақолга республика ҳудудидан чиқишига бир баҳя қолганда ишонди. Аммо энди кеч эди. Сирдарё вилояти божхона хизмати ва ички ишлар идораси ходимлари машина йўлига гов бўлиб, олиб чиқилаётган халқ мулкини тўхтатиб қолдилар ва у давлат фойдасига мусодара этилди. Ноқонуний юк эгасининг иши юзасидан эса тергов ишлари бошлаб юборилди.

**Х. АБДУРАҲМОНОВ,**
**бош божхона бошқармаси матбуот маркази ходими.**

## *Хабарлар оқимидан*

### «УСТОДЛАР» МАҲАЛЛАСИ

***Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалигида янги маҳалла барпо этилди.***

«Устодлар» деб ном олган бу маҳалла кўчалари бўйлаб шу хўжалик мактаблари, болалар боғчалари ва мактабгача муассасаларида меҳнат қилаётган қишлоқ зиёлиларининг уйлари қурилди. Хўжалик бошқаруви қарори билан уларга арзон нархда қурилиш материаллари ажратилди. Маҳалла кўчалари хўжалик маблағи ҳисобига асфальтланди. Сув, электр ва табиий газ тармоқларига уланди.

### НУКУС СПИРТИ

Нукус спирт заводида этил спирти ишлаб чиқарила бошлади. Озиқ-овқат саноати учун ғоят зарур бу маҳсулот шу вақтга қадар хориждан келтирилар эди. «Нукусдон» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган Оролбўйидаги ягона бу корхонада ҳар куни тўрт тоннача спирт чиқарилади. Бу эса Қорақалпоғистоннинг мазкур маҳсулотга бўлган талабини тўла қондиради.

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида ортиқча ишчи кучини банд этишга алоҳида эътибор берилаётир. Куни-кеча туманда жунни қайта ишлаш корхонаси қурилди. Унда йилига юз тонна жун қайта ишланиб, 32 тонна ип тайёрланади. Натижада ўнлаб кишилар иш билан таъминланади.

*«ПАХТА-96»*

### ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШ ШАРОФАТИ

Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Асалхон Расулова бошлиқ бригада миришкорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди. Қабул пунктига 178 тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик ўртача 45,6 центнерни ташкил этди.

Бригада пахтакорлари бу йил 56 гектар майдоннининг 40 гектарига «Фарғона-3» тезпишар пахта навини плёнка остига экди. Уни илғор агротехника қоидаларига риоя этган ҳолда парваришлаб мўл ҳосил етиштирди. Шуниси диққатга сазоворки, топшириқ 39 гектар ерда ўтказилган дастлабки теримдаёқ бажарилди. Миришкорлар ялпи ҳосилни 308 тоннага етказиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

*Ватан посбонлари*

# ЧЕКСИЗ САДОҚАТ РУҲИДА

## Ўзбекистонлик ҳарбийлар республика мустақиллигининг беш йиллигини бутун ўзбек халқи қатори хизматнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар билан кутиб олдилар

***Бутун мамлакатда бўлганидек, барча қисм ва бўлинмаларда, ҳарбий муассаса ва ҳарбий-ўқув билим юртларида кейинги ойлар давомида ҳар бир ўзбекистонлик учун энг ёруғ, қалбларига энг яқин байрам — республика мустақиллигининг беш йиллиги тантаналарига ҳар томонлама тайёргарлик қизғин авж олганди. Шу боис барча қўшинларда бу улуғ байрам жанговар машқлар, навбатчилик, қоровуллик ва ички хизмат соҳаларида юксак натижалар билан кутиб олинди.***



Ҳарбий хизматчилар онгида ўз халқига, Ватанга ва мамлакат Президентига нисбатан чексиз садоқат руҳини тарбиялайдиган бир қатор ижтимоий ва маданий тадбирлар ўтказилди.

Яқинда бўлиб ўтган қўмондонлик-штаб машқларининг айрим лавҳаларини эслар экансиз, парашют гумбазлари остида самодан ер томон бир маромда қўйилаётган турли-туман ҳарбий техникалар кўз олдимизда қайта гавдаланади, артиллериядан отилган ракета зарбаларининг момақалдироқдек гулдуроси ва «хужум»га бораётган жанговар машиналар шовқин-сурони ва ўқ овозлари қулоқларимиз остида жаранглаётгандек бўлади. Бундай тактик машғулотларга биринчи бор таклиф этилган кўп сонли хорижий меҳмон-мутахассислар ҳам Қуролли Кучларимиз эгаллаётган билим ва маҳоратларига юқори баҳо бердилар.

— Машғулотлар пайтида қузатганларимиз, ҳарбий дала лагери ва госпиталга бўлиб, ўз кўзимиз билан кўрганларимизнинг ҳаммаси, — деди ўшанда француз ҳарбий разведкаси бошлиғи, дивизия генерали Э. Брюно, — бош қўмондонлигингизнинг кенг кўламли ва чуқур ўйлаб амалга ошираётган муҳим ишлари самарасидир. Республика раҳбариятининг Қуролли Кучларга нисбатан кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари ҳамма ерда яққол сезилиб турибди. Сизлар жанговар тайёргарлик билан фронт ортини таъминлашни тўла уйғунлаштиришга эришгансизлар. Ҳамон бу икки муҳим жиҳат бир бутун даражада жипслаштирилган экан, бундай армия қудратли ва ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, енгилмасдир.

Ўзбекистонлик ҳарбийларнинг ушбу тактик машғулотлари мустақилликнинг беш йиллиги байрамига ўз халқига илк совғалари бўлди. Машғулотлар чогида алоҳида маҳорат кўрсатганларни санаб адо қилиш мушкул. Амир Темур йилида авиатор зобитлар И. Фадиев, Р. Саидов, А. Султонов, зобитлар Ш. Зарипов, Б. Эгамбердиев ва Р. Дадабоевларнинг мотоўқчи ва десантчилари, О. Номозов, А. Липатов сингари зобитлар бўлинмаларининг алоқачилари, зобит А. Аббосов ва Х. Абдурахмонов бошлиқ таъмирловчилар ҳамда ҳарбий медик зобитлардан А. Мамасолиев, Т. Неъматжонов, С. Ражабов ва бошқалар машқлар чоғида аъло даражада ҳаракат қилдилар. Сержант Л. Матхомановнинг энг яхши деб топилган артиллерия расчётига эса мудофаа вазири жанговар машқ майдонининг ўзида, кетма-кет отишлардан сўнг ҳали совиб улгурмаган қуроллар ёнида номлари битилган совға-соғларни тақдим этди.

Бу йил мамлакат ҳарбий билим юртларини битириб чиққанлар зобит кадрлар сафини тўлдирдилар. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг 16 нафар битирувчисига аъло даражадаги дипломлар топширилди. Лейтенантлар Б. Абдуллаев, А. Ражабов ва Б. Ҳамидов илк зобитлик хизмати жойларига олтин медаллар билан жўнаб кетдилар.

Марказий Осиёда биринчи бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг мустақиллик байрами арафасида бир ёшга тўлганлигини ҳам эсламаслик мумкин эмас. Биринчи қабул тингловчилари бўлган Х. Абдуллаев, К. Шожалилов, А. Чориев, Ш. Нурматов ва бошқа кўпгина зобитлар дастлабки ўқув йилини аъло баҳолар билан якунладилар. Иккинчи қабул тингловчилари эса ўқишни бошлаб юбордилар. Улар бу ерда ўз билимларини оширадилар, келажакда мустақил Ўзбекистоннинг кўзга кўринган ҳарбий бошлиқлари бўлиб етишиши учун зарур бўлган барча ҳарбий билимларни эгаллайдилар.

Ўқув бўлинмаларидан бирининг базасида ташкил этилган прапоршиклар мактабини эса бу йил тўртинчи гуруҳ вакилари битириб чиқдилар. Прапоршиклардан В. Гараев, З. Рисқулов, И. Кузьмин, Р. Ғафуров ва уларнинг дўстлари ҳарбий профессионал бўлиб етишиб чиққан бу кунни сира ёдларидан чиқармайдилар, албатта.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ўз ҳарбий кадрларини тайёрлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этмоқда ва ҳозирданоқ зарур мутахассислар билан ўзини ўзи таъминламоқда.

Хўш мажбурий ҳарбий хизмат аскарлари қандай хизмат қилмоқдалар?

Қуролли Кучлар сафига бу йилги чақирув катта кўтаринкилик билан ўтди. Чақирилувчилар куни ҳамма вилоятларда ҳарбий гарнизонлар бўлинмалари ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтказилди. Бу жараёнда кечаги мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ҳарбий кийим кийган Ўзбекистоннинг ёш фуқаросини бугун нималар кутаётганини ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлганлар. Мустақилликнинг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги чақирув ёшидаги йигитларда ватанпарварлик кайфиятининг кўтарилишига муҳим туртки бўлди. Ҳарбий хизматга чақирув Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятларида, айниқса, уюшқоқлик билан ўтди. Бу вилоятларда мудофаа ишлари бошқармаларига подполковниклар И. Қосимов, И. Саидов ва Ш. Ўринбоев бошчилик қилишмоқда. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бошқа вилоятлардан чақирилган йигитлар ҳам ҳарбий хизмат бурчларини ҳалол ва муносиб ўтайдилар. Ўйлаймизки, улар ҳам қоровуллик хизматини хушёрлик билан бажараётганлари учун мудофаа вазири томонидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган кичик сержант А. Раҳимов, олдий аскар А. Хазратқулов, шунингдек Мустақиллик куни арафасида отаоналарига командир ва бошлиқларининг миннатдорлик мактублари йўлланган минглаб аскарлар ва сержантлардан қолишмай хизмат қиладилар.

Ҳарбий муҳандислик-қурилиш тузилмаларининг аскар ва сержантлари ҳам эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Жанговар ўқувнинг ўқув-моддий базаси объектлари қурилди ва қайта таъмирланди, аскар ва зобитлар ошхоналари фойдаланишга топширилди. Жиззахдаги олий ҳарбий авиация билим юрти жиҳозланмоқда, Қуролли Кучларнинг Марказий зобитлар уйи реконструкция қилинмоқда, муҳим халқ хўжалиги объектлари қурилмоқда. Кичик сержант Ш. Шакимбасов ва оддий аскар Ш. Ганиев бошлиқ бригадалар, ишлаб чиқариш илғорлари бўлган кичик сержант И. Алимқулов, А. Турсунов, О. Умаров, А. Рассказов, М. Баратов, оддий аскар Б. Олимов, Ф. Ўринов, Д. Абдуллаев ва бошқалар меҳнатда юксак натижаларга эришдилар.

Ҳарбий спортчилар байрамни муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Атлантадаги XXVI Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган спортчилар республика ҳукумати томонидан муносиб тақдирландилар. Бронза медали соҳиби бўлган боксчи, муддатсиз хизмат сержанти Карим Тўлаганов «Меҳнат шуҳрати» ордени, прапоршик, боксчи Наримон Отаев, Олимпиадада Осиёнинг янги рекордини ўрнатган Рамил Ғаниев «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар. Капитан Шуҳрат Аҳмедова, ҳарбий хизматчи Отахон Очилов ва Григорий Пуляева «Шуҳрат» медали топширилди.

Байрамга тайёргарлик кўриш даврида бадиий ҳаваскорлик ва бошқа турли ижодий жамоаларда ишлар кескин жонланди. Ҳарбий кийимдаги ҳаваскор ва профессионал артистларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика танловида иштирок этганлари бу борада катта туртки бўлди. Ушбу танлов совриндорлари сафидан ўрин олган, аскарлар хори иштирокида «Ўзбекистон аскарлари» қўшиғини ижро этган капитан А. Ҳолиқов, лейтенант Н. Ҳакимов ва Тошкент олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртининг курсантлар хори, муддатсиз хизмат старшинаси В. Савельев, капитан С. Ярашев, муддатсиз хизмат кичик сержантлари Ш. Дадажонов ва К. Раҳимов қўйлаган қўшиқлар кўпмингсонли тингловчилар ёдида узоқ сақланиб қолади.

Гарнизонларда «Аскар қўшиқлари» анъанавий бешинчи танлови иштирокчиларининг чиқишлари катта муваффақиятлар билан ўтди. Катта концерт билан якунланган ушбу танлов кўпгина янги истеъдодларни юзага чиқарди. Лейтенант Абдулатиф Жалилов, Қуролли Кучлар хизматчиси Зарина Қосимова, капитан Баҳодир Ёқубов, оддий аскар Ҳабибулло Хожиев, курсант Нодиржон Исломов совриндорлар сафидан ўрин олдилар. Кўпчиликка яхши таниш «Миллий гвардия», «Ватан» ва «Голубие берети» вокал-чолғу ансамблари ўзларининг юксак маҳоратларини яна бир бор намойиш этдилар.

Мустақилликнинг беш йиллиги арафасида ва байрам тантаналари давомида ҳамма гарнизон ва бўлинмаларнинг ҳарбийлари ўзлари жойлашган ҳудудларда уюштирилган барча тадбирларда фаол иштирок этдилар. Қисмлар ҳудудларида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Очиқ эшиклар кунлари уюштирилди. Мустақил давлат ҳаётидаги ушбу муҳим воқеани халқ ва армия биргаликда байрам қилди.

Ўзбекистон ҳарбийларининг АҚШ ҳудудидаги «Кооператив оспрей-96» тинчликпарварлик машқларида иштирок этганлиги Қуролли Кучларимизнинг обрў-эътибори ҳалқаро аренада ҳам ортиб бораётганлигининг яна бир исботи бўлди. Ўзбекистонлик тинчлик бунёдкорлари байрам арафасида «Центрзбат» жамлама взвод таркибида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртининг шу йилги битирувчиси лейтенант Руслан Алимуҳамедов командирлиги остида Северная Каролина штатидаги денгиз пиёдалари полигонида юксак ҳарбий кўникма ва маҳорат намойиш этдилар.

Буюк аждодларининг шонли анъаналарига содиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги байрамини ўз халқи билан биргаликда муносиб кутиб олди.

**В. КАЛОШИН,**
**подполковник.**

*Бир шикоят изидан*

# АРОСАТДА ҚОЛГАН ҚУРИЛИШ

***Бугун республикамиз иқтисодида мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар бераётган маҳсулот салмоғи тобора ошиб бораётганлиги маълум. Очиқ ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналар саноат, қурилиш ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришда энди асосий ўринни эгаллашмоқда. Республикамизда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг қонуний асослари яратилди. Мулкчиликнинг нодавлат шакллари ҳам тўласинча қонун ҳимоясида.***

Лекин ҳар бир жараённинг кечишида унга оид турли масалаларнинг туғилиши, табиий. Шунинг учун бўлса керак, вақтнинг ўзи энг улуғ ҳакам, деган ибора ҳам мавжуд. Чунки вақт ўтиши билан кундалик турмушнинг ёки бирор соҳанинг қонунчиликда қамраб олинмаган қирралари маълум бўлиб қолади ва уларга тегишли тузатишлар киритилиши муқаррар. Қолаверса, ҳар қандай жамият жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар орасидаги муносабатларни шу тариқа мунтазам изга солиб боради.

Қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам маълум даражада ўзида хусусийлаштириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтишда дуч келинадиган айрим муаммоларни акс эттиради, деб ўйлаймиз. Агар бундай ҳол фақат бир жойда юз берганда эҳтимол уни газета саҳифасига чиқаришнинг ҳожати бўлмас эди. Аммо ҳозирча ана шундай масалалар турли соҳаларда, ҳар хил кўринишда бот-бот юзага келиб турибди...

Самарқанд вилоят ёғоч-тахта ва қурилиш, ёқилғи маҳсулотлари акционерлик савдо бирлашмаси («Самобллесстройтопборг») зиммасига Самарқанд шаҳар Тошкент кўчасида «Маиший хизмат уйи» биносини қуриш юкланган эди. Яъни шаҳар ҳокими буйруғи билан ёпиқ турдаги ушбу акционерлик бирлашмасига ана шу бинони тиклаш учун ер ажратилди. Акционерлар бирлашмаси бу ишга киришиб, қурилаётган бинонинг раҳбари лавозимига ҳиссадорлар жамиятининг Шавкат Авазов исмли аъзоси тайинланди. Унинг вазифаси бу ерда ишлаш учун қурувчиларни танлаш ва уларни қурилиш маҳсулотлари, асбоб-ускуналар билан таъминлашдан иборат эди. Маблағ тўлиқ ҳиссадорлар жамияти ҳисобидан сарфланарди. 1995 йил ўрталарида бунда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми анча сўмни ташкил этди. Бинони шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ишга тушириш мўлжалланганди. Ҳиссадорлик жамияти режасида шундай белгиланган.

Аммо кутилмаганда 1995 йил 18 август куни бирлашма идорасига почта орқали Ш. Авазов ва у билан бирга ишлаётган етти киши имзо қўйган ариза келиб тушди. Унинг мазмунига кўра, улар ҳали қуриб тугалланмаган «Маиший хизмат уйи» биносини хусусийлаштириб беришни сўрашган эди. Бу жамоа, юқорида айтганимиздек, саккиз кишидан иборат бўлиб, унда Ш. Авазов — директор, Х. Авазов — қурилиш маҳсулотлари омбори мудири, тўрт нафар қоровул ва икки ишчидан ташкил топган.

Орадан уч кун ўтиб, яъни 21 августда акционерлар йиғилиши чақирилиб, унда ариза муҳокама этилди. Бу пайтга келиб «Маиший хизмат уйи»да амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 2855 минг сўмга етганди. Акционерлар йиғилишда ҳали қуриб тугалланмаган бинони хусусийлаштириш бўйича ҳеч қандай аризани қабул қилмаслик тўғрисида гапирдилар. Ва шу ҳақда қарор ҳам қабул қилдилар.

Бироқ бу қарор Ш. Авазовни қаноатлантирмади. Улар ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда турли идораларга шикоятлар йўллашди. Бундай аризаларни вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимиятининг комиссияси, «Ўзбексавдо» ва бошқа юқори идоралар вакиллари келиб текширишди.

Жамоа аъзоларининг бу бинони хусусийлаштирувига рухсат бермаганлигининг асосий сабаби нимада эди? Биринчидан, вилоят ёғоч-тахта ва қурилиш, ёқилғи маҳсулотлари савдо бирлашмаси ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилган. Яъни барча акцияларни жамоа аъзоларининг ўзлари сотиб олишган. Улар шу бино қурилишига бутун жамоа мулки, келажакда яхши даромад ва иш ўрни билан таъминлайдиган жой, деб қарашган ҳамда катта миқдорда маблағ ажратилишига рози бўлишган. Ҳатто корхона жамоаси акциялардан келадиган дивидендтан ҳам воз кечишиб, бинони тезроқ ишга тушириш ниятиёқида эдилар.

Иккинчидан, ҳозир четдан келтирилаётган ёғоч-тахта миқдори озайиб, жамоага қарашли омборлар, ёғоч арралаш ва дурадгорлик цехлари 30-40 фоиз қувват билан ишлаяпти. Иш қисқариши натижасида эллик нафар ходимга бошқа иш ўрни топиш зарур эди. Шу сабабли саксон ишчи ўрнига мўлжалланган «Маиший хизмат уйи» бу борада жуда қўл келарди.

Учинчидан, ариза ёзган етти кишининг тўрт нафари қоровул ва ишчи сифатида янги қурилаётган объектга 1994 йил ва 1995 йил бошида қабул қилинган. Яъни уларнинг орасидан фақат уч кишида ҳаммаси бўлиб еттита имтиёзли акция бор. Бундан ташқари «Маиший хизмат уйи» биноси ва унинг жамоаси бирлашма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилишида бирор-бир тармоқ ҳисобланмаган. Бу бино қурилишига бирлашма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан кейин киришилган. Акционерларнинг умумий йиғилишида бу холларнинг ҳаммаси бирма-бир изоҳлаб берилди.

Лекин Самарқанд вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси юқоридаги ҳол билан ҳисоблашмай, 1995 йил 9 декабрь куни ўзининг 1442-11 рақамли буйруғини чиқарди. Унинг мазмуни шундан иборат эдики, «Самобллесстройтопборг» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятидан уч кун муддат ичида қурилиши тугалланмаган «Маиший хизмат уйи» биносини хусусийлаштириш учун барча зарур ҳужжатларни тайёрлаш талаб қилинарди. Хатда, шунингдек, бу кўрсатма бажарилмаса, бино жамият ихтиёридан чиқариб, Ш. Авазовга хусусийлаштириб берилиши ҳам алоҳида уқтирилганди. Бундан ташқари буйруққа бинони акционерлик жамияти ихтиёридан чиқариш ёки чиқармаслик масаласини бундан кейин яна жамоа аъзолик жамияти эса ёпиқ турдаги, яъни унинг асосий воситалари акция сифатида жамоа аъзолари томонидан сотиб олинган. Қисқаси, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ўзининг бу буйруғи билан бинони Ш. Авазовга шахсий мулк сифатида сотишга мажбур қилаётган эди. Лекин улар ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт чорасини ҳам кўриб, буйруқ охирида ундан норозн томон шикоят қилиши мумкинлигини айтиб ўтишганди.

Хуллас, жамоа хусусийлаштириш комиссиясининг 1995 йил 25 декабрь ва 1996 йил 26 январда бўлиб ўтган мажлисларидан сўнг нархи унинг таннархи бўйича 7390168 сўм қилиб белгиланди. Уни тўлаш учун бир ой муддат берилди. Ш. Авазов бу шартга рози бўлди. Аммо орадан фақат икки ойдан вақт ўтгач, унинг бир миллион сўмини тўлади...

Юқорида айтганимиздек, хусусийлаштириш бошқармаси ўз буйруғи охирида «ундан норозн томон шикоят қилиши мумкин»лигини айтиб ўтганди. Буйруқни қисман бажаришга мажбур бўлишса-да, аммо акционерлик жамияти аъзолари унинг ноқонунийлиги, жамоа манфаатларига зид эканлиги ҳақида вилоят прокуратурасига ариза ёзишди.

Бу масалани ўрганиб чиққан вилоят прокуратурасидан қуйидаги жавоб олинди:

**«Вилоят давлат мулки бошқармаси томонидан 1996 йил 26 январь куни 97П-сонли буйруғи билан ғайриқонуний равишда «Маиший хизмат уйи»ни хусусий мулкка айлантириш ва давлат ордерини бериш тўғрисида буйруқ чиқарилган. Ушбу буйруқ вилоят прокуратураси томонидан ноқонуний, деб топилди ва уни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди».**

1996 йил 30 май куни Самарқанд вилоят хўжалик суди ёпиқ турдаги «вилоят ёғоч-тахта ва қурилиш, ёқилғи маҳсулотлари савдо бирлашмаси» акционерлик жамиятининг даъвосини кўриб, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1995 йил 9 декабрда чиқарган буйруғини нотўғри, деб топди.

Шу билан бу машмашалар ниҳоясига етгандек эди. Лекин шаҳарнинг энг кўзга ташланарли жойларининг бирида — Регистон майдонидан унча узоқ бўлмаган ерда тикланаётган бинони республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги, ҳеч бўлмаса, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида ишга тушириш мўлжалланганди. Афсуски бир йиллик тортишувлар бу ишни амалга ошириш имконини бермади. Бино чала қурилиш ҳолида тураверди. Сарфланган миллион сўмлаб маблағ берадиган самара муддати ҳам шунчага чўзилди. Бу тортишувларга ўтган йилиёқ чек қўйиш, бинони хусусийлаштириш даъвогарларига мавжуд қонун-қоидани тушунтириш мумкин эдими? Албатта. Лекин бу ишни қилиш лозим бўлган ташкилот — давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг ўша пайтдаги раҳбарлари қонун-қоида бузилаётганини кўриб-билиб турсалар-да, ана шу иш ташаббускорлари ёнини олишди. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг икки юз нафар аъзосининг эмас, аксинча, уч нафарининг гапини маъқулладилар. Бунинг сабаби нимада? Нега акционерлик жамияти раҳбарлари бу бинонинг ноқонуний хусусийлаштирилишига қарши бўлганлари сари, корхонага турли идоралардан келаётган тафтишчилар сони бирдан ошди?

Бу ҳоллар шаҳарнинг энг серқатнов ва қулай манзилларидан бирида жойлашган бинони хусусийлаштиришнинг асли «даъвогарлари» панадан туриб ҳаракат қилаётганлигини кўрсатмайдими? Акс ҳолда прокуратура протести ва хўжалик суди қароридан кейин чек қўйилиши лозим бўлган бу машмаша ҳануз давом этмасди. Шаҳарликлар учун жуда зарур «Маиший хизмат уйи» эса чала ётганича, кейинги тақдири нима бўлишини кутяпти.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ЯНГИ ТЕХНИКА

***Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатида давра суҳбати бўлди, учрашув деҳқончилик-саноат мажмуини юқори унумли механизация воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлигида янги технологияларни ўзлаштириш мавзусига бағишланди. Анжуман «Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси билан биргаликда ташкил этилди. Учрашувда олимлар, корхоналарнинг директорлари, шу соҳанинг мутахассислари иштирок этди.***

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси раиси Рафиқ Матчонов маърузасида таъкидлаганидек, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш асосий вазифадир. Шу муносабат билан қишлоқ меҳнаткашлари учун янги андозаларга мос келадиган янги техникани яратиш муаммоси вужудга келмоқда. Давлат фан ва техника қўмитаси билан биргаликда шу тармоқ бўйича ишлаб чиқилган дастурни амалга оширишга республиканинг етакчи илмий кучлари, тармоқдаги йирик корхоналарнинг конструкторлик бюролари жалб этилди. Яқин орада пахтачилик, ғалла-чилик ва сабзавотчилик учун машиналарнинг мутлақо янги ва такомиллаштирилган турларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш бошланади.

Учрашув иштирокчилари ўз нутқларида мамлакатда қишлоқ хўжалигининг тез ривожланиши ҳозирча зарур техниканинг бир қисмини хориждан сотиб олишга мажбур қилаётганини таъкидладилар. Бироқ республикамизнинг қудратли илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти давр талабларига ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш хусусиятларига мос келадиган замонавий машиналарни республикамизнинг ўзида ишлаб чиқаришга имкон беради. Лекин янги техника деҳқончиликнинг замонавий технологиясига мосланган. Бу ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган олимлар олдидаги яна бир вазифадир.

Учрашувда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий техника билан таъминлаш дастурини тезроқ амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**(ЎзА).**

*Бирортаям танқид натижасиз қолмайди*

## «Пулини тўлаяпмизу аммо фойдаланолмаяпмиз»

***«Халқ сўзи»нинг, 1996 йил 20 июнь сонида «Хатлардан сатрлар» рукни остида таҳририятимизга келган бир неча шикоят хати чоп этилган эди. Улардан бири юзасидан қуйидагича жавоб олинди:***

## ХАТ МУАЛЛИФИНИНГ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Термиз шаҳар ҳокимлиги арзномада кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, шаҳар аҳолисига замонавий талаблар даражасида алоқа хизмати кўрсатишни жорий этиш мақсадида кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни мўлжаллаган. Шу мақсадда шаҳар электр алоқа бошқармаси Югославиянинг Никола-Тесло фирмаси билан ҳамкорликда замонавий телефон станцияларини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилган.

Хат муаллифи Ш. Сувонқуловга қарашли уй телефонининг нуқсонлари шаҳар электр алоқа бошқармаси ходимлари томонидан тез фурсатда таъмирланиб берилди. Айни пайтда мазкур телефон беками кўст ишлаб турибди.

**Т. РАҲМОНОВ,**
**Термиз шаҳар ҳокимининг муовини.**

*Сирдарё: ислоҳотлар қандай бораяпти?*

# ГАП КЎПУ, ИШ ОЗ

***Илгари хабар қилинганидек, республика Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида Сирдарё вилоятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва оммавий тус олдириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди. Унда вилоятдаги туман, шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бўлимларининг бошлиқлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, корпорациялар ва ассоциацияларнинг мутасаддилари, тадбиркорлар, ишбилармонлар, шунингдек, бозор тизимининг бошқа вакиллари иштирок этдилар.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен йиғилишни кириш сўзи билан очаркан, вилоятда иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан сезиларли силжишларга эришилаётганини қайд этди, шу билан бирга кўпгина соҳаларда олиб борилаётган ишлар давр талабларига тўла жавоб бермаслигини таъкидлади.

Мирзачўлликлар янада юксакроқ натижаларга эришишга қодир. Афсуски, вилоятда илғор ташаббуслар ўз вақтида қўллаб-қувватланмаяпти. Бу ҳақда қуруқ гап кўпу, амалий иш оз. Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, жойларда бозор инфраструктурасини шакллантириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаётганини қандай баҳолаш керак?

Йиғилишда вилоятда хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни бозор муносабатларига ўтказиш суст олиб борилаётганлиги танқид қилинди. Бир қатор шаҳар ва туманларда, жумладан, Гулистон, Янгиер, Меҳнатобод, Оқолтинда пул эмиссияси даражаси ҳамон камаймаётир. Талай корхона ва ташкилотлар давлат бюджетидан қарздор. Маҳаллий аҳоли қимматли қоғозлар, бозор қонуниятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Шунинг учун турли хилдаги иқтисодий низолар келиб чиқаяпти. Тижорат банклари ҳозирча тадбиркор ва ишбилармонларга юз бурганича йўқ. Уларнинг фаолиятини ким назорат қилиши керак? Тадбиркорлик ҳаракатини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бу банкларнинг асосий иши-ку, ахир. Вилоят мол-хомашё биржаси, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси фаолиятида ҳам кўпгина камчиликлар мавжуд.

Маълумотларга қараганда, ҳозир қўриқ воҳа шаҳар ва қишлоқларида 5 мингдан зиёд кичик, ўрта ва хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами аҳолининг 52 фоизи ижтимоий меҳнат билан банд. Ўтган ярим йил давомида нодавлат секторидаги корхоналарда 100 миллион сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. **Катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган вилоят учун бу кам, албатта. Маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш мумкин бўлган баъзи товарлар (масалан, оддий мих) четдан ташиб келтирилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Вилоятда ўндан зиёд кўшма корхона ташкил этилган. Шунга қарамай, жаҳон андозаларига мос, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортга мол сотиш қониқарли эмас. Натижада валюта заҳираларини кўпайтириш қийин кўчаётир. Жорий йилда 1200 та кичик, ўрта ва хусусий корхона очиш режалаштирилган эди. Йилнинг 8 ойи ўтганига қарамай, бу кўрсаткич аранг 911 тага етказилди, холос.**

Бир қатор туманларда хусусийлаштиришга панжа орасидан қаралиб, мулк шаклини ўзгартиришда хотиржамлик ва бир ёқламаликка йўл қўйилмоқда. Чорвачилик, капитал қурилиш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам туб ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Вилоятда кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Зеро, бугунги кунда кичик бизнес иқтисодиётимизнинг устивор йўналиши, турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий манбаидир.

Йиғилишда юқорида тилга олинган масалалар юзасидан вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов, хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи Ф. Қутбиддинов, Янгиер шаҳар ҳокими З. Самадов, вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раиси С. Абдуллаев, Шароф Рашидов тумани ҳокими И. Ибодуллаевнинг ахборотлари тингланди.

Сирдарёда уқувли, билимдон тадбиркорлар ва бизнесменлар оз эмас. Уларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда оммалаштириш барча учун фойдалидир. Мажлисда ана шулардан бири — Шароф Рашидов туманида самарали иш олиб бораётган «Вертех — агро» фирмасининг фаолиятига эътибор қаратилди. Мазкур фирма маҳсулот етиштирувчилар билан фьючерс шартномаси тузиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта маблағ сарфлаяпти. Бундан, албатта, ҳар икки томон манфаатдор. Давлатдан бирон сўм қарз олингани йўқ. Фойдаю-зиён ўртада. Дастлабки натижалар бу хилдаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболидан дарак бериб турибди. Табиий, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳали талайгина муаммолар ҳам борки, уларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Шароф Рашидов тумани ҳокими шундай мулоҳазани ўртага ташлади:

— Ўзларингизга маълум, чўл шароитида меҳнат қилиш оғир. Шу боис деҳқон ва чорвадорни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз керак. Вилоятдаги «Чорвасервиз» ташкилоти хизмати бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Унда техника ҳам, мутахассислар сони ҳам кам. Биз бу йил 20 та ер участкасини хусусийлаштиришимиз керак. Лекин ҳозирча талабгор чиқмаяпти. Чунки бизда аҳоли сонига нисбатан ер кўп. Қолаверса, нақд пул масаласи ҳам чатоқ. Бугунги нарх-навода 6 сотих ер участкаси 56-57 минг сўмга тўғри келяпти. Бу, албатта, оддий меҳнаткаш учун қиммат. Бинобарин, кредит муддатлари қайта кўриб чиқилиб, 10-15 йилга узайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Банклар билан пул-кредит муомаласини амалга ошириш қийин кечмоқда, — деди ўз сўзида «Марказий Осиё» корпорацияси президенти Ф. Фозилов. — Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин натижа кам. Айниқса, вилоятдаги «Пахтабанк» бўлимлари фаолиятида қатъий тартиб йўқ. Кузатган бўлсангиз, иш соат 11.00 да бошланадию, 12.00 да банк эшиклари тақа-тақ ёпилади. Бу қанақаси, ахир? Ўз пулимизни вақтида ололмасак...

Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимларига йиғилишда қўтарилган масалалар юзасидан вилоят тадбиркорларига амалий ёрдам кўрсатиш таклиф этилди, тегишли тадбирлар белгиланди.

Мажлис қатнашчилари, таклиф қилинган меҳмонлар шу куни вилоят ижтимоий ҳаётидаги қувончли воқеа — Бизнес марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар. Буни бозор инфраструктурасини вужудга келтириш йўлида ташланган дадил қадам, деса бўлади. Ҳарқалай, янги замонавий марказнинг ишга тушиши вилоят тадбиркорлари ва бизнесменлари учун ажойиб туҳфадир. Илгари улар битта имзо учун идорама-идора қатнаб, қимматли вақтларини бой беришарди. Энди ликда бунга асло ҳожат йўқ. Уч қаватли Бизнес марказида ҳисоб-китоб, пул-кредит операцияларини амалга ошириш, ҳуқуқий ва аудиторлик ёрдами олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш учун барча шарт-шароит муҳайё.

Марказ Гулистон пойабзал фабрикасининг эски ётоқхонаси ўрнида қад кўтарди. Вилоят хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Б. Умаралиевнинг айтишича, бинони қайта таъмирлаш, зарур ускуна ва жи

*1996 йил — Амир Темур йили*

# БУЮКЛИКНИ АНГЛАШ



***Бугун гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида Темурийлар тарихи давлат музейи жадал суръатлар билан қад кўтармоқда. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қутлуғ номи билан аталгувчи хиёбон ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган бу кошона ҳар бир ватандошимиз дилида ҳайрат ва ҳаяжон, ғурур ва ифтихор хисларини уйғотмоқда.***

Гарчанд бу муҳташам зиёратгоҳ — музей ҳали расман очилмаган бўлса-да, ҳозирданоқ уни завқу шавқ билан томоша қилаётган кўплаб одамларни учратиш мумкин. Музей биноси аввало ўзининг улуғвор салобати, нафис маҳобати, темурийлар салтанатининг мислсиз тарихий обидаларига монанд меъморий ечими билан юзлаб-минглаб фуқароларимиз, дўсту ҳамкорларимиз, хорижий меҳмонларимиз диққат-эътиборини тортмоқда. Чет элларда чиқадиган бир неча нуфузли журналларда бу улуғ иншоотнинг тасвири чоп этилгани ҳам ана шу қизиқишнинг яққол далилидир.

Бугун ҳамюртларимиз музей иш бошлайдиган тарихий кунни орзиқиб кутмоқдалар. Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшадиган бу маънавият маскани, иншоолиоҳ, саноқли кунлардан сўнг ўз эшикларини миллионлаб зиёратчилар учун очади.

Хўш, бу беқиёс обидани барпо этишдан кўзланган асосий мақсад нима? Темурийлар тарихи давлат музейининг вазифаси нималардан иборат? Нима учун шундай музейни айнан бугунги кунда барпо этишга зарурат туғилди? Улуғ савобдан иборат бўлган бу ҳаракатнинг маъно-моҳияти нимада?

Музей бунёд этиш фикри пайдо бўлган кундан бошлабоқ у юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Лойиҳалар танлашдан тортиб қурилиш услубигача, музей экспозициясидан тортиб бадиий безакларгача қайта-қайта ва ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда. Янги ечимлар, янгидан-янги ижро йўллари изланмоқда.

Ана шундай муҳокамаларнинг бирида темурийлар тарихи давлат музейини вужудга келтириш ғоясининг ташаббускори, бош ташкилотчиси, Президент Ислом Каримов бу масала хусусида тўхталиб, жумладан, шундай мазмундаги мулоҳазаларни билдирган эди.

**Аввало, музей эшигидан қадам қўйиб, соҳибқирон бобомиз зиёратига келадиган ҳар бир инсон — ҳар бир ватандошимиз кўнглида бизнинг шундай буюк тарихимиз, шундай буюк аждодларимиз, шундай буюк салтанатларимиз бўлган экан, деган фикр уйғониши керак.**

**Шу билан бирга, музей бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз улуғ маданият, буюк маънавият яратиб, умуминсоний қадриятлар хазинасига нақадар улкан ва унутилмас ҳисса қўшганини англатишга хизмат қилиши лозим.**

**Ана шу асосда миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий мафкурани юксалтириш, халқимизни тараққиётнинг янги марралари сари чорлаш — музейнинг бош вазифасидир.**

**Биз шунга эришмоғимиз керакки, деб таъкидлади Президент, токи бу ерга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи юртимизнинг қадимий ва тенгсиз ўтмиши, бетакрор ақлий ва маданий салоҳияти билан танишиш натижасида Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк, деб тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, ғурурланиб кетиши керак.**

**Бир сўз билан айттанда, бу қутлуғ зиёраттоҳ бизга ўзлигимизни англаш — аждодларимиз буюклигини англаш учун бамисоли бир кўзгу вазифасини адо этмоғи лозим. Ўзлигини, ўз тарихий меросини, ўз илдиз-томирларини чуқур англаб еттан халқкина ана шу юксак мезонларга муносиб бўлиш учун албатта интилади, дейди Президентимиз.**

Шу кунларда музей қурилишида иш ниҳоятда қизғин. У ерда меҳнат қилаётган усталар, муҳандислар. меъморлар, рассомларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларнинг зиммасидаги юк ғоят шарафли, ғоят масъулиятли. Бинонинг ички кўринишни, миллий меъморчиликнинг энг юксак намуналарига ижодий ёндошиб ишланган тоқ ва равоқлар, олтин суви бериб зийнатланган нақшу нигорлар ҳар қандай кишини ҳам лол қолдиради. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Амир Темур давридан сўнг барпо этилган тарихий обидаларнинг бирортасида ҳам олтин суви ишлатилмаган. Орадан беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, соҳибқироннинг шаъну шавкатини тиклаб бунёд этилган ушбу муаззам қасрдагина ўзбек заминининг бебаҳо бойлиги — соф олтинимиз юксак гумбазлардан зар сочиб, буюк темурий шукуҳ, буюк темурий салобатдан дарак бериб турибди.

Бунинг, албатта, теран рамзий маъноси бор.

Яхши биламизки, соҳибқирон азиз-авлиёлар, илму фан, маданият арбоблари, эл-улуснинг мумтоз фарзандларига умр бўйи эҳтиром билан муносабатда бўлган, замондошлари бўлмиш улуғ зотларга чексиз марҳамат ва иззат-икром кўрсатган, дунёдан ўтганларнинг эса хотирасини абадийлаштириш, мангу ором топишларини обод қилиш учун мислсиз жонбозликлар қилган. Унинг амру фармони билан бунёд этилган хазрат Аҳмад Яссавий, Шайх Зайниддин Бобо, Занги ота сингари ўнлаб мақбаралар, масжиду мадрасалар Амир Темур бобомизнинг юксак маънавияти тимсоллари сифатида ҳамон мағрур қад ростлаб турибди.

Истиқлол йилларида улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида юртимизда амалга оширилган улкан ишлар соҳибқироннинг ана шу эзгу амалларига бевосита ҳамоҳангдир, уларнинг мантиқий давомидир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд дейсизми, Имом Бухорий дейсизми, Мирзо Улуғбек ёки Бобур Мирзо дейсизми... илоҳим уларнинг руҳлари бизларни ҳамиша қўллаб турсин!

Соҳибқирон музейига фахр билан боқар эканмиз, беихтиёр кўнгилдан ана шундай савол кечади: айтайлик, бундан ўн йил муқаддам энг ҳаёлпараст, энг миллатпарвар инсон ҳам мустабид тузум рамзи бўлган шу хиёбоннинг Амир Темур номи билан аталишини, бу жойда бобокалонимизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилишини ва ниҳоят, унинг шаъну шавкатига беҳад муносиб ушбу олий иморатнинг бино бўлишини хаёлига келтира олармиди?

Асло.

Истиқлол шарофати деган гапнинг мазмуни аслида шу эмасми?

Шу муносабат билан яна бир воқеани эслаб ўтиш ўринлидир.

1993 йил, 31 август. Бир пайтлар Туркистонни қонга ботириб забт этган ёвуз Кауфман, кейин эса совет даври «доҳийлари»нинг важоҳатли ҳайкаллари қўр тўкиб турган, Тошкентнинг қоқ юрагида жойлашган бу майдонда соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилиш маросимида юртбошимиз айтган ҳароратли сўзлар ҳамон ёдимизда. Бугун тарих мулки бўлиб қолган ўша ҳаяжонли оқшомда Президент: **«Амир Темур шахсияти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, буюк аждодимизга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, унинг табаррук хотирасини абадийлаштириш бизга бугун нима учун керак?» деган саволга жавоб бериб, шундай деган эди:**

**биринчидан, соҳибқиронинг улуғвор сиймоси бизга миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун;**

**иккинчидан, миллатни бирлаштириш, миллий ғурур, миллий ғоғни юксалтириш учун;**

**учинчидан: фарзандларимизни, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шундай улуғ боболаримиз билан фахрланиш, улар каби фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш учун;**

**тўртинчидан, буюк давлат қуриш учун;**

**бешинчидан, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун.**

**Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас қадриятини тиклаш, беназир шахсиятини абадийлаштириш, қадр-қимматини жой-жойига қўйиш борасида қилинаётган тарихий ишлар нафақат бугунги кун, айни пайтда келгуси авлодларимизнинг маънавий тараққиётини ҳам кўзлаб амалга оширилмоқда, деб таъкидлаган эди юртбошимиз.**

Чиндан ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг, нарсаларнинг, моҳияти қиёс орқали очилади. Ўн икки йил бурун нашриётда хизмат қилганимда «Таржима санъати» деган китобни нашрга тайёрлаган эдик. Сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган бу тўпламдаги мақолалардан бирида «Буюк Британиядаги қироллик театри ҳар йили ўз мавсумини инглиз драматурги Кристофер Марлонинг «Темур» спектакли билан очади», деган маълумот зикр қилинган эди. Бор-йўғи шу гап — на изоҳ, на шарҳ, на соҳибқирон номини улуғлаш бор эди унда. Аммо шу биргина беозор жумлани ҳам шўровий назоратнинг ёвуз кўзидан ўтказиб эълон қилишнинг иложи бўлмаган эди...

**Яқин ўтмишимизнинг мана шундай қора кунларини ҳам дамба-дам эслаб туриш фойдадан холи бўлмас.** У бизга бугунги кунларнинг тарихий маъносини, қадр-қимматини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Шаҳрисабзда, асрлар билан беллашиб келаётган пурвиқор Оқсарой пештоқига бир вақтлар донишманд бобомиз Амир Темур шундай ҳикматни нақш қилдирган эканлар: «Агар бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз бино этган иморатларга назар солинг».

Шу маънода бугун зўр шиддат билан қад ростлаётган темурийлар тарихи музейи озод ватанимизнинг, куч- қудратимизнинг гўзал рамзларидан бири бўлиб қолажак.

**Хайриддин СУЛТОН (ЎзА).**

***«Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир...»***

***Ислом КАРИМОВ.***

# БОЛАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИ

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

### РУҲИЙ ОЛАМ ТЎЛҚИНЛАРИ

Ўтмиш авлоднинг барча орзу-армонларини, имону-эътиқодини, тоза руҳи ва хотирасини, жамиятнинг яхши ниятлари-ю, шоён орзуларини ўзида жамул-жам этгани учун ҳам болалар дунёси ғоят ғўзал, ранг-баранг ва сирли дунёдир.

Президентимизнинг энг яхши кўрган, энг катта умид боғлаган ва энг кўп меҳрибонлик кўрсатаётгани ҳам шу болалар дунёсидир. Меҳр билан бағрига босиб, муҳаббат ила елкаларида кўтариб турган қизалоқ, биз болалар ёзувчилари тасаввурида, бамисоли миллатимизнинг буюк келажагини кўтариб, порлоқ эртасини улуғлаб тургандек...

Шу келажак ҳам соғлом, ҳам маънавияти бутун бўлсин дея шахсан юртбошимиз раҳбарлигида ҳеч қачон ҳеч қайси мамлакатда бўлмаган соғлом авлод йўналиши ривож топди. «Ғулхан», «Ғунча», «Тонг юлдузи» рўзноманжурналлари нашр ҳаражатлари давлат ҳисобига олинди. Соғломлаштириш ва спорт ишларига буюк ривож берилди. Истеъдодли-иқтидорли болалар ва ўсмирларни излаб топиш, ҳимоялаш умумхалқ ҳаракатига айлантирилди.

Жамиятнинг тенг ярмини ташкил қиладиган шу бўғиннинг маънавий дунёси, руҳий олами тарбияси миллий асосда қайта қурилаётганлиги, лотин алифбосига ўтилиши, дарсликларнинг бугунги миллий уйғонишга мос янгидан яратилаётганлигига яна ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Хўш, булар кўпми ёки озми? Агар «Ҳамма нарса болаларга» деган шиорни тепага осиб қўйиб, остида ўзлари маишат қилиб ўтирган замонларга таққосласак бу юз карра кўпдир.

Аммо жамиятимиз тараққиётининг шиддати, янги техника, янги технология, янгича бошқарув маданияти ва янгича тафаккурнинг шаклланаётганлиги болалар маънавий дунёси, руҳий оламида ҳам янги-янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Болалар ва ўсмирларнинг маънавий дунёси ва руҳий оламининг шаклланиши давримиз шиддатига мос келаяптими ёки орқада қолаяптими? Олис йўлга бирга чиққан эканмиз, катталар каттароқ одим ташлаб, болалар ортда қолиб кетмаяптимикин?

Болаларимиз маънавияти ва руҳиятидаги Оврупо маданияти, христиан ва славян маданияти тўлқинлари кўп ҳолларда миллий руҳиятимиз тўлқинларидан устуворроқ эканлигини ҳис қилиб турамиз. Аммо ҳис қилганимизни кўпинча англамай қоламиз. Мен уч йил давомида «Ўйла, изла, топ» мусобақасида иштирок этиб, турли савиядаги ўқувчилар билан суҳбатлашдим, баҳслар ўтказдим. Ўзимча ўрта таълим ёшидаги ўғил-қизларимизнинг руҳияти ва маънавияти дунёси қатламидаги тўлқинларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Гоҳо, болалар, энди бир оз дам олайлик, хўш, рок музика тинглаймизми ёки «Чоргоҳ»ни эшитамизми, деб сўрайман. «Чоргоҳ»ни кейинроқ тинглармиз, дейдилар. Қани айтинглар-чи, Пугачёв ким бўлган? — ҳамма қўл кўтаради. Маҳмуд Торобий ким бўлган? — жимлик чўкади. Наполеонни биласизларми? — қўллар кўтарилади, Жалолиддин Мангубердини-чи? — яна жимлик чўкади... Демак, бугун болалар ва ўсмирлар маънавий дунёсини шакллантириш борасида қиладиган ишларимиз бажарганимиздан кўпроқдир. Чунки ҳар қандай жамият мафкурасининг бош масаласи миллий қадриятлар асосида миллий ғурур, миллий ифтихорни улуғлаш орқали ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқдир.

### ҚАЕРДАСИЗ, ЁЗУВЧИ ДЎСТЛАР?

Инсон шахсиятини камолга етказадиган, маънавиятни бутун қиладиган омиллардан бири — адабиётдир. Адабиёт кишига ўзини англаш орқали жамиятни англашни ўргатади. Ўзини англаш болаликдан бошланмоғи керак. Ислом маданиятида чақалоқ мусулмон бўлиб дунёга келади. Оврупо тарбиясида бола туғилганда табиатнинг ўзидек соф ва покиза бўлади, деган ақидалар бежиз айтилмаган. Демак, маданиятни бутлаш, руҳни шакллантириш болаликдан бошланади. Хўш, бизнинг болалар ёзувчиларимиз болалик ва ўсмирлик олдидаги ўз муқаддас бурчларини қандай ўтамоқдалар. Ёки бизда болалар ёзувчилари йўқми? Бор, керагидан ортиқ ҳам. 1991 йил 16 октябрь куни ўтган ёзувчилар қурултойида 880 ёзувчидан 40 нафари мен болалар ёзувчисиман, дея, рўйхатга ўтган. Қани улар, қаерга беркиниб олишди? Қоғоз йўқ эканми, бўлмагап гап! Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Ҳамза Имонбердиев, Сафар Барноевларнинг шеъриятини чоп этиш учун қоғоз топилганда нега бошқаларга топилмас экан. Энг аянчлиси шуки, болалар дунёсининг салкам йигирма жанрдан иборат бўлган катта адабиёти торайиб-торайиб бир-бирини такрорловчи шеъриятдангина иборат бўлиб қолаяпти. Севимли ёзувчиларимиз Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Эргаш Раимовлар болалар маънавий дунёсини тўлдиришда, руҳиятини миллий асосларда бойитишда насрнинг ранг-баранг жанрларидан фойдаланиш зарурлигини билар эдилар-ку!

Пайти келиб қолганлиги учун мен ҳамкасбларимни замонни ҳис қилишда ўз китобхонларидан орқада қолаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Замонимизга техника, технология, электроника, радио тўлқинлар, аудио-видеолар асри, кибернетика замони келди. Болаларнинг сўзлашувида, онги ва фикр-тафаккурларида бу тушунчалар устувор энди. Буни илгаган Жонни Родари, Николай Носов сингари ёзувчилар аллақачон болалар қалбини ром этишнинг янги йўлига ҳам ўтиб олганлар. Биз ҳалигача дев, алвасти, учар гиламлар ҳақида чўпчаклар тўқиб юрибмиз.

Нашриётда болаларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини оширишга ёрдами тегар деган ниятда «Ажойиб кишилар ҳаёти» рукнида тўрт асар ёзиш режалаштирилди.

Муаллифлар таклиф этилди.

— Алколоидлар мактабининг асосчиси Собир Юнусов ҳақида сиз ёзсангиз?

— Узр, алколоидлар нима эканлигини ўзим ҳам яхши тушунмайман.

— Ўзбек геология фанининг отаси Ҳабиб Абдуллаев ҳақида ёзасизми?

— Ер ости ташвишларини қўйсангиз-чи!

— Академик Теша Зоҳидов ҳақида асар ёзишни сиздан сўрасак.

— Ҳовлимизга кўнадиган чумчуқ билан тугашини билгилари келади. Болалар эса... овозини паст қилиб қўйиб «боевиклар» ҳақида даҳшатли фильмларни томоша қила бошлайдилар.

Физиологияда ғалати бир қонуният бор. Таассуротлар тушунча ва билимга айлангунга қадар миянинг нутқ марказида қайта-қайта айланаверади. Бу ҳол узвий бўлса, такрорланувчи бўлса, бора-бора қаҳрамонимиз фақат Маяковский, Макаренколар ҳақида ўйлайдиган, Шварцнегрнинг куч-қудратига тан бериб, ундан фахрланадиган ҳолатга ўтади. Ўзи истамаган ва англамаган ҳолда руҳиятидаги миллий тўлқинни Оврупо ва славян тўлқинлари аста-секин қисиб чиқара бошлайди.

Руҳнинг шаклланиш жараёни ана шундай кечади.

Ушбу мақолани ёзиш олдидан марказдаги китоб дўконларини айланиб чиқдим. Аксарияти, Москвада, Петербургда чоп этилган асарлар. Амир Темур метросига тушадиган йўлакчада сотилаётган асарларнинг тўқсон фоизи чет эл ахлоқига доир китоблар. Кўнглимдан бир гап ўтди. Китоблар-ку, шу аҳволда экан, наҳотки, ҳеч бўлмаса ўзимизнинг «Совпластитал»да ишлаб чиқарилаётган елим халталарни назорат қила олмасак. Наҳотки, овруполик беҳаё ялангоч аёл ўрнига атлас қўйлак кийиб, қўксига фарзандини босиб турган болапарвар ўзбек аёлиними, ёки мушаги ўйнаб турган аллақандай ялангоч Шварцнегрлар ўрнига миллий озодлик курашига раҳбарлик қилиб жонини фидо қилган, жисмоний қуввати ҳеч кимдан қолишмайдиган Спитамен ёки Жалолиддинларнинг от ўйнатиб турган мағрур сувратларини чизиш мумкин бўлмаса!

### ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

Ўз қудратининг илоҳийлиги, ҳаётийлиги ва беқиёс буюклиги билан халқ тарбиясининг таркиб-таркибига сингиб кетган Ислом дини тариқатлари бугунги тарбиямизнинг асосий йўналишидан бири бўлиб қолди. Дини имонимизнинг ўзимизга қайтарилиши, эътиқод эркинлиги мустақиллигимиз берган улуғ неъматлардан бири бўлди. Ўзим ҳам диндор оилада туғилганман. Ўттизинчи йилларда дин аҳиллари қувғинга учраб, қатағон бўлганини ўз оиламиз мисолида бошимдан кечирганман. Болалигимда тиззаларига ўтқазиб, бошимни силаб номозликлар ўргатган, элим-юртим имону эътиқодсиз қолмасин, дея уч бора қамоқдан қочиб келган Хон эшон ҳазратлари ҳақида «Жаннати одамлар» номли романимни ҳам эълон қилдим.

Аммо шундай бўлса ҳам, ҳурматли Ҳожибоболар, муҳтарам Имоми-ҳатифлар билан баҳслашмоқчиман. Баъзи бирларининг фаолиятларидан кўнглим тўлмаётганини айтиб ўтиб, фикрлашмоқчиман.

Ҳар қандай тариқат, ҳар қандай мафкура, энг аввало, инсон қалби учун курашади. Маънавият ва руҳиятни ўз ақидалари билан бойитишга ҳаракат қилади. Бу табиий ҳол. Катта-катта масжидлар қошида кичикроқ бўлса ҳам мадрасалар пайдо бўлди, диний маросимларда мазмунли маърифий суҳбатлар кучайди. Бу керак эди, халқимиз шунга муштоқ эди. Диний адабиётлар ҳам етарлича чоп этилмоқда. Бунинг ҳам қувонч устига қувончдир. Оқ дўппи кийган ёқимтой ўсмирлар, оппоқ рўмол ўраган фаришталдек маъсума қизлар қўпайиб бораяпти. Аммо катта-кичик маъракаларда хожибоболаримиз, муҳтарам имоми-ҳатифларнинг маъруза-ларида, мадрасаларда бўладиган суҳбатларда дўзах азоби, жаннат роҳати ҳақида кўпроқ гап бораяпти-ю, яшаб турган замонамизнинг моҳияти, техника ва технология асри эканлиги, компьютерлар, электроника ва радиотехникалар ҳам худонинг бандаларига берган неъматлари эканлиги ҳақида деярли гап бўлмаяпти. Тўғри, имоми-ҳатиф ҳазратларидан компьютер ҳақида маъруза айтишни сўраш ноқулайдир. Лекин, илмга даъват қилиш, бешикдан то қабргача илм ўрганмоқ мусулмон учун фарз эканлигини тушунтирмоқ ҳам уларнинг зиммасида-ку?

Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек сингари буюкларимиз бир қўлларида Қуръони Карим, иккинчи қўллари билан илм-фан яратган эдилар. Жалолиддин Румий, Ат-Термизий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳовуддин Нақшбандлар тариқатида ҳам моддий дунёни ўрганиш, илм-фанни улуғлаш, Илоҳият моҳиятини шеърият ва мусиқа орқали англаш ғоялари олга сурилган эди-ку. Жаннатмакон Кувайтнинг замонавий техника билан таъминланиши Овруподаги баъзи мамлакатлардан юқорироқ. Саудия Арабистонида аёлларга энг янги компьютерларни ўргатадиган мактаблар ишлаётгани телекўрсатувларда бир неча бор намойиш қилинди.

Айтмоқчимизки, гап бола ва ўсмир маънавиятининг бутунлиги ҳақида борар экан, шу бутунлик таркибида замонавий илмнинг устувор бўлиши даврнинг талаби бўлиб қолган экан, демак, диний тарғиботимизда ҳам илм ва илм эгаллаш устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Эҳтимол, мен хато қилаётгандирман. Агар хато бўлса, марҳамат, баҳслашайлик.

### «ЎСМИР» ДЕГАН МАРКАЗ КЕРАКМИ?

Тараққий этган мамлакатларнинг ҳаммасида болалик ва ўсмирликнинг маънавий ва руҳий оламини ўрганадиган тадқиқот марказлари ишлайди. Масалан, Американинг эллик штатидан еттитасида «Ўсмир» номли институт фаолият кўрсатади. Бу марказлар бола ва ўсмирнинг ёш хусусиятларини, жисмоний ривожи, руҳий ҳолати, маънавиятининг тўлиб бориши, иқтидор даражаси, талант — мойиллик белгилари, истеъдод тарбияси, ўқиши зарур бўлган китоби, бадиий, оммавий, техника адабиётларини безаш усуллари, қайси ёшда қанча ўқиши зарурлиги сингари ўнлаб, балки, юзлаб йўналишларда тадқиқот ишларини олиб боради. Услубий маслаҳатлар беради. Жамиятнинг маънавий келажаги учун қайғуриш худди мана шу марказлардан бошланади.

Бундай йўналишлар бизда ҳам бор. Халқ таълими қошида «Истеъдод» маркази, Маданият вазирлиги ҳузурида ижодкор ёшлар ҳаракати, Ёзувчилар уюшмасидаги болалар ва ўсмирлар кенгаши — хуллас бор. Лекин, бир-биридан узоқда, бир-бирини тушунмай яшайди. Энг муҳими, уларнинг ҳеч бирида илмий тадқиқотлар, услубий кузатишлар олиб борилмайди. Ягона режа ҳам, ягона раҳбарлик ҳам йўқ.

Халқимиз мустақил бўлиб, ўз келажагига ўзи қайғуриш имкониятига эга бўлди. Ҳамонки, ривожланган болалик ривожланган келажакнинг бошланиши экан, демак, болалик ва ўсмирликнинг маънавий ва руҳий дунёсини ўрганадиган услубий марказ очиш пайти ҳам келди.


ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН АРЗОН НАРХЛАРДА
**ҚУЙИДАГИЛАР СОТИЛАДИ:**

** ТЕГИРМОНЛАР УЧУН ВАЛЛАР
- БЗН 1000x250;
- БВ 1000x250.
** 50 кг ва 15 кг
СИҒИМЛИ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР.

Тўлов шакли: нақд пул ўтказиш ва вексел билан.

Манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26.

DM FIRMA DEMIR

Тел.: 30-40-42, 41-87-73, 33-81-48, 33-06-00, 42-27-43, 42-06-73.



ЎЗАВИАБАНК

"ЎЗАВИАБАНК"НИНГ имтиёзли акциялари эгалари ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта молиялаш ставкаларининг пасайтирилиши муносабати билан "Ўзавиабанк" акционерлик тижорат банки имтиёзли акцияларнинг барча эгаларидан 1996 йил 1 октябргача банкка келиб, ўз акцияларини қайта расмийлаштиришларини сўрайди.

Ёнингизда акция ва паспортингиз бўлиши керак.

Кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг даъволар қабул қилинмайди.

Манзил:
Тошкент ш., Нукус кўчаси, 736-уй.
Тел.: 54-98-98.


«Ҳилола» хусусий фирмаси юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабаб муҳр ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

«Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси томонидан Бўстонлиқ тумани «Боғдорчилик» деҳқон фермер хўжалигига берилган ДОН 001 № 0006612 тартиб рақами 100.000 сўмлик оддий вексель ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг «Чарм» ҳиссадорлик корпорацияси Хоразм вилоят тайёрлов савдо бирлашмасининг бош раҳбари Жуманазар Салимовга акаси
**Салимбой САЛИМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг «Чарм» ҳиссадорлик корпорацияси Нурота туман тайёрлов савдо идорасининг раҳбари Эркин КЕНЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекгидрогеология» давлат гидрогеологик корхонаси ва гидроингео институтининг жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими Рустам ўғли Кимсан-хожи Умурзоқовга ўғли
**АЛИШЕРБЕКнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ғ. Юсупов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0509 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.31 1 2 3 4 5 6